Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 28 май • сешанба № 21 (861)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Хорижий инвестиция

Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланган

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Есемурот КАНЬЯЗОВ билан суҳбат

САМАРАЛИ инвестиция сиёсати кўп жиҳатдан давлатнинг муваффақиятли тараққиётини белгилайди. 2013 йил биринчи чорагида Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга ошириш натижалари келажакка катта ишонч билан қараш имконини беради. Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 7,2 фоизга ўсди. Бу борадаги юқори кўрсаткичлар мамлакатимиз иқтисодиётида шаклланган институционал муҳит, корхоналарни модернизация қилиш ва ривожлантириш учун инвестициялар жалб қилиш кафолати эканидан далолатдир. Бугун инвестиция муносабатларини янада ривожлантириш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, инвестиция фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, узоқ муддатли инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддасига ўзгартишлар киритишни кўзда тутадиган қонун лойиҳасини парламентда кўриб чиқиш учун тақдим этиш режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Есемурот КАНЬЯЗОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига мазкур ҳужжатга киритилаётган ўзгартишларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

— Ўзбекистонда инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, — деди Е.Каньязов. — Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг йилдан-йилга ўсиб бораётгани ҳам бундан далолат беради. Мамлакатимизнинг инвестиция киритиш жиҳатидан жозибадорлиги, аввало, халқаро инвестиция ҳуқуқининг асосий қоидаларини ўзида мужассам этган самарали қонунчилик базаси яратилгани билан боғлиқдир.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да таъкидланганидек, иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва ҳаётга жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга қайтмаслиги кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг **"Чет эл инвестициялари тўғрисида"**ги, **"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"**ги қонунлари бу борада энг аҳамиятли ҳужжатлар бўлиб, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш имконини берди. Бундан ташқари, мамлакатимиз инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида элликка яқин икки томонлама шартнома имзолади, ушбу соҳада қатор кўп томонлама халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилди.

Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, инвестицияларга етказилган зарарни қоплаш, инвестицияларни хорижга эркин кўчириш масалаларини ўз ичига олган мазкур шартномалар инвестициялар билан боғлиқ низоларни ҳал этиш масалаларини ҳам тартибга солмоқда.

— Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этиш механизми нималардан иборат ва халқаро амалиётда бу борада қандай аниқ мисоллар бор?

— Узоқ муддатли хўжалик муносабатларини амалга ошириш жараёнида турли низолар юзага келиши мумкин. Шу муносабат билан инвесторнинг мулкка эгалик ҳуқуқларини таъминлайдиган, бошқа ҳуқуқларини кафолатлаш, зарур ҳолларда эса уларни ҳимоя қилишнинг тегишли восита ҳамда услубларини ушбу инвестор ихтиёрига топшириш имконини берадиган амалий тизимнинг мавжудлиги ҳар қандай мамлакатда қулай инвестиция муҳитининг муҳим омили ҳисобланади.

Одатда, халқаро майдонда томонлар ўртасида чет эл инвестициялари билан боғлиқ барча низони улар ўртасида музокаралар ўтказиш, келишув мавжуд бўлмаган тақдирда эса инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат судлари ёки халқаро ҳакамлар судида (арбитраж) кўриб чиқиш орқали ҳал этиш қабул қилинган. Бунда ҳар икки томоннинг ҳакамлар судига бундай низони тақдим этиш учун ёзма равишда розилик бериши ўзига хос хусусият ҳисобланади.

Давлатлар ва чет эллик шахслар ўртасидаги инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги конвенциянинг 25-моддаси халқаро ҳакамлар судидан ёзма равишдаги розилик мавжуд бўлгандагина фойдаланиш мумкинлигини тасдиқлайди. Унда Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказ ахдлашаётган давлат ёки бошқа ахдлашаётган инвестор ўртасида бевосита инвестициялар билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқий низоларни ҳал этиш, бунда низо иштирокчилари уни марказга кўриб чиқиш учун ёзма розилик берган тақдирдагина амалга ошириш ваколатига эга экани қайд этилган.

Бундай розилик, одатда, давлатлар ўртасида тузиладиган шартномалар ёки инвестор ва инвестицияларни қабул қиладиган давлат ўртасидаги шартнома доирасида қайд этилади.

2

Конференция

Суд экспертизаси

жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда муҳим роль ўйнамоқда

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ўтказилган "Дастлабки тергов ва судлов жараёнида экспертиза ўтказишнинг долзарб масалалари" мавзуидаги идоралараро республика конференцияси суд экспертизасининг бугунги кундаги имкониятлари, суд экспертизаси соҳасидаги янгиликлар ва унинг олдига амалиёт томонидан қўйилаётган вазифаларнинг муҳокамасига бағишланди.

АНЖУМАН Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва Давлат божхона қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг масъул вакиллари, Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари суриштирув ва тергов органлари ходимлари ҳамда судьялар, олий таълим муассасаларининг мутахассис-олимлари ва Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази экспертлари, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Унда суд экспертизасининг вазифалари, унинг ҳуқуқий асослари, **"Суд экспертизаси тўғрисида"**ги Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, суд экспертлик фаолиятининг асосий принциплари, суд экспертизасини ўтказишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши, ишни юритишда махсус билимларни амалиётда қўллаш шакллари ҳамда усулларига оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Маълумки, бугунги кунда жиноятларни фош этиш ва одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ тергов органлари ҳамда судлар фаолиятида фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланишга тобора эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу масалада инсон тафаккурининг энг илғор ютуқларига асосланган суд экспертизасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бераётган кўмаги

3

Халқаро анжуман

Миллий қонунчилимиздаги халқаро стандартлар

умумбашарий манфаатларга хизмат қилади

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича Марказий Осиёдаги бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси кўмагида судьяликка номзодлар ва адвокатлар учун "Жиноятчини бериш (экстрадиция) борасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш" мавзуида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий суди судьялари, Юристлар малакасини ошириш маркази ўқитувчи-профессорлари ва тингловчилари, шунингдек, БМТ, Интерпол, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди вакиллари ҳамда Буюк Британия, Россия, Украина, Қозоғистондан келган хорижий эксперт-лар иштирок этган мазкур тадбир экстрадицияга оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларига бағишланди.

Маълумки, Президентимизнинг 2012 йил 30 ноябрдаги **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонида юқори малакали хорижий мутахассисларни ўқув жараёнига жалб қилиш, хорижий тажрибани ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Мазкур Фармонда белгиланган

3

Қонун моҳияти

Ҳаётий тажрибага эга, ҳурмат ва ишончга сазовор

фуқаролар сайланишини таъминлаш мақсади мужассам

ЮРТБОШИМИЗНИНГ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти сифатида берган таклифи асосида ишлаб чиқилган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун 2013 йилнинг 24 апрелида матбуотда эълон қилиниб, унинг янги таҳрири кучга кирди.

МАЗКУР Қонуннинг мақсади шаҳарлардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ушбу Қонун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, унда раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимига катта ҳаётий тажрибага эга, аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган энг муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда очиқлик ҳамда ошкораликни оширишни назарда тутадиган қуйидаги асосий нормалар ўз аксини топди.

Биринчидан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилиши белгиланди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур Қонуннинг аввалги тахririда сайлов ўтказишнинг асосий принциплари қаторида муқобиллик принципи мустаҳкамланмаган эди. Ушбу принципнинг янги таҳрирдаги Қонунда мустаҳкамланиши, ўз навбатида, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатган ҳолда амалга оширилишини назарда тутади.

Иккинчидан, Қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатларини белгилаш масалаларига аниқлик киритилди. Унда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан камида икки ой олдин Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланишига оид нормалар мустаҳкамланди.

Учинчидан, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши томонидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даврига тузилиши белгиланди.

Ушбу комиссияга фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонун ҳужжатларига тўла мувофиқ ҳолда ташкил этиш ҳамда ўтказиш; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш; комиссиялар сайловни самарали ўтказиш учун зарур бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминланишини ташкил этиш; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш қандай бораётганлиги оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш; сайлов якунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш каби ваколатлар юкланди.

Тўртинчидан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳнинг ваколат доиралари янада кенгайтирилди. Хусусан, ишчи гуруҳ ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш, умумий йиғилишнинг иштирокчиларини рўйхатга олиш ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда аҳолининг умумий йиғилиши баённомасини тузиш каби ваколатларга ҳам эга бўлди.

Бешинчидан, Қонунга киритилган навбатдаги янгилик фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш масаласи билан боғлиқдир. Унга кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилиши, ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлаши ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камида ўн кун олдин тақдим этиши, ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилиниши, туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиши ва ўзининг ушбу номзодлар бўйича асослантирилган хулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияларга юбориши, ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг хулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўйиши назарда тутилган.

Олтинчидан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши кераклиги, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмаслигига оид масалалар ҳам ўз аксини топди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашда, шунингдек, жорий йилнинг 13-15 май кунлари республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси раҳбарларининг малакасини ошириш учун ташкил этилган ўқув-семинарларда атрофлича ўрганилиши ва таҳлил этилишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Зафар РУЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими, юридик фанлар номзоди

"INSON va QONUN"
ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

"HUQUQ va BURCH"
ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"
ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами"
расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади.
LexUZ on-line
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz website: www.lex.uz Тел: 236-73-98, 236-17-33

Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланган

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бу, шунингдек, ўз фуқароларининг бошқа давлат ҳудудидаги инвестицияларини ҳимоя қилиш, бундай шартномани тузишга интилаётган мамлакатларни рағбатлантиради. Барча ҳолатда инвестицияларни қабул қилаётган давлатнинг маълум бир низони ҳакамлар судига бериш тўғрисидаги розилигини олиш мажбурий ҳисобланади.

— Ўзбекистонда инвестиция билан боғлиқ низолар қандай тартибда ҳал этилмоқда?

— Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимиз инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида қатор шартномалар иштирокчиси ҳисобланади. Бу шартномалар инвестиция киритиш бўйича қулай тартиб ўрнатишдан ташқари, инвестицияларни қабул қилувчи давлат билан низолар юзага келган ҳолатда инвесторнинг мулка эгалик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тартибга соладиган нормаларни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, Ўзбекистон имзолаган қатор шартномаларда инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳакамлар судига Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказ (Вашингтон), Халқаро савдо палатаси ҳузуридаги Халқаро ҳакамлар суди (Париж), Стокгольм савдо палатаси ҳузуридаги Ҳакамлар суди (Стокгольм) қоидалари бўйича ёки бошқа мунтазам фаолият кўрсатадиган ҳакамлар суди ёхуд "ad hoc" ҳакамлар судига (маълум бир низоларни ҳал этиш учун махсус ташкил этиладиган ҳакамлар суди) тақдим этиш имконияти кўзда тутилган.

Бундан ташқари, инвесторлар инвестиция билан боғлиқ низоларни Ўзбекистон Республикаси билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисида тузиладиган шартномалар, концессион ёки инвестиция шартномалари доирасида ҳал этиш тартибини кўзда тутиш имконига ҳам эга. Мамлакатимиз 1995 йилдан буён 1958 йил 10 июнда қабул қилинган Чет эл ҳакамлар суди қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги Нью-Йорк конвенцияси аъзосидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этишнинг умумэътироф этилган халқаро ҳуқуққа тўлиқ мос келадиган бир қанча йўналишлари мавжуд. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, айрим чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳани тартибга соладиган қонунчилигини нотўғри талқин қилаётган ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг **"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"**ги Қонуни 10-моддасида томонлар инвестициялар билан боғлиқ низони ҳал қилишга эриша олмасалар, бундай низо Ўзбекистон Республикасининг хўжалик суди томонидан ёхуд ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартибларига мувофиқ ҳал этилиши лозимлиги белгиланган.

Бундан кўриниб турибдики, юқорида келтирилган норма фақат инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этишнинг мумкин бўлган вариантларини белгилайди ва унда давлатнинг инвестиция билан боғлиқ маълум бир низони ҳакамлар судига тақдим этиши бўйича розилигини олиш кўзда тутилмаган.

Мазкур нормани тўғри шарҳлашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 2006 йил 20 ноябрда ушбу нормага расмий шарҳ берди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ қонунларга расмий шарҳ бериш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ваколатига киради.

Ушбу ҳужжатда Конституциявий суд томонидан Қонуннинг 10-моддаси мамлакатимизнинг инвестиция билан боғлиқ муайян низони халқаро ҳакамлар судига ҳал этиш учун тақдим этиш бўйича розилигини англатмаслиги аниқ изоҳлаб берилган.

— "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасига аниқликлар киритиш зарурати қандай асосларга эга?

— Конституциявий суд томонидан расмий шарҳ берилганига қарамай, афсуски, бугун айрим инвесторлар мазкур моддани нотўғри талқин қилаётган ҳолатлар учрамоқда. Улар буни Ўзбекистон Республикасининг инвестиция билан боғлиқ ҳар қандай низони ҳакамлар суди, масалан, Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказга тақдим этишга розилиги сифатида қабул қилмоқда. Мазкур ҳолат чет эл инвестициялари оқимини таъминлашга интилаётган ҳар қандай давлат сингари Ўзбекистонни ҳам ташвишга солади, албатта. Зеро, мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки кунларидан ўз қонунчилигини имкон қадар қўллаш учун очиқ ва тушунарли бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Шу муносабат билан жорий йилда Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг **"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"**ги Қонуни 10-моддасига ўзгартишлар киритишни кўзда тутадиган қонун лойиҳасини Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун тақдим этишни режалаштирмоқда. Чунончи, 10-модданинг биринчи қисми мамлакатнинг инвестиция билан боғлиқ муайян низони халқаро ҳакамлар судига ҳал этиш учун тақдим этиш бўйича розилигини англатмаслигига аниқлик киритиш кўзда тутилмоқда.

Бироқ бу Ўзбекистонда инвестиция билан боғлиқ ҳеч бир низо халқаро ҳакамлар судида кўриб чиқилмайди, дегани эмас. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон қонунчилигида низоларни ҳакамлар судига давлатлар, давлат ва инвестор ўртасида тузиладиган икки томонлама шартномалар орқали тақдим этишга ёзма розилик беришнинг турли вариантлари кўзда тутилган.

Шуни алоҳида қайд этмоқчиманки, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан мақсад **"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"**ги Қонуннинг 10-моддаси мазмунини ўзгартириш ёки чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини чеклаш эмас, балки унга аниқлик киритишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикасининг розилик бериш масаласи ҳар бир ҳолатда кўриб чиқилиши ва бу розилик ёзма равишда ифодаланиши керак. Шундай экан, мамлакатимиз халқаро ҳакамлар судига розилик бериши учун бу ҳолат унинг икки томонлама ёки кўп томонлама инвестиция шартномалари ёхуд битимларида қайд этилиши лозим.

— Қонун лойиҳасида чет эллик инвесторлар учун қандай афзалликлар кўзда тутилган?

— Таклиф этилаётган ва чет эллик инвесторлар манфаатларини тўлиқ ифода этадиган мазкур қонун лойиҳаси уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш ва Ўзбекистон билан муносабатларда бирон-бир ноаниқликларни истисно этувчи қонунчилигимизни улар томонидан тўғри тушунилишини таъминлашга қаратилган. Мазкур қонун лойиҳаси чет эл инвестициялари соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг асосий стандартларига мос келади. Зеро, бу стандартлар давлатни чет эллик инвесторлар билан муносабатларда очиқ-ошкора ҳаракат қилиши, жумладан, улар инвестиция фаолиятини тартибга соладиган барча қоида ҳамда нормалардан олдиндан хабардор қилишни таъминлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қонунга киритиш учун таклиф этилаётган ўзгартишлар миллий қонунчилигимизнинг очиқ-ошкоралигини ва Ўзбекистон Республикасига сармоя киритган ёки киритиш ниятида бўлган чет эллик инвесторлар унинг қоидаларини тўғри тушунишини таъминлашга ёрдам беради, бинобарин, мамлакатимизнинг сармоявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

ЎзА мухбири М.МАМЕТОВА суҳбатлашди.

Таҳлил

МАМЛАКАТИМИЗДА одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, "Судлар тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, суд тизими учун кадрлар масалалари билан шуғулланиш вазифаси махсус орган — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юклатилиши натижасида судьянинг фақат қонунларга асосланган ҳолда ташқи таъсирлардан мустақил равишда хизмат бурчини адо этишларига замин яратилди. Суд қарорларини ижро этиш бўйича Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли тузилма ташкил этилиб, судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан сезиларли даражада халос бўлишига ҳамда бутун диққат-эътиборини одил судловни амалга ошириш учун қаратишига имкон берди. Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди.

Судларнинг процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя этиши

одил судлов кафолати

МАЗКУР соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида эътироф этилаётган Президентимизнинг 2012 йил 2 августдаги **"Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ҳамда 2012 йил 30 ноябрдаги **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги фармонлари билан суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатлар кучайтирилди, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилди ҳамда уларнинг мустақиллиги мустаҳкамланди.

Жамиятда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини қўшимча кафолатлаш, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида суд қарорларини апелляция тартибида кўриб чиқишнинг жорий этилганлигини, кассация инстанциясининг эса ислоҳ этилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлатимиз раҳбари **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да мазкур ўзгаришларнинг аҳамиятига тўхталиб, эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши мумкинлигини, бугунги кунда фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлганликларини, шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди. Бунинг тасдиғи сифатида қуйидаги рақамлар келтирилди: агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2009 йил якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 85 фоиздан ортиғи апелляция ва кассация тартибида бартараф этилган. Шу ўринда 2011 ва 2012 йилдаги статистик маълумотлар ҳам биринчи инстанция суди хатолари асосан суд ҳал қилув қарорлари ҳали кучга кирмасдан туриб апелляция инстанциясида ёки манфаатдор шахслар бевосита мурожаат қилиш имконияти яратилган кассация инстанцияси судида бартараф этилганлигини кўрсатади. Масалан, туманлараро судларда ҳал қилув қарори чиқариб кўрилган ишлар сони 2011 йилда 272531 тани ташкил этгани ҳолда шу йили апелляция инстанциясида жами кўрилган ишлар сони 5176 тани ташкил этган. 2012 йилда эса туманлараро судларда ҳал қилув қарори чиқариб кўрилган ишлар сони 136078 тани ташкил этган бўлса, шулардан 5320 таси апелляция инстанциясида кўрилган. 2011 ва 2012 йилларда биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоларни назорат тартибида тузатиш кўрсаткичи 2009 йилдаги кўрсаткичга қараганда анча паст эканлигини кўриш мумкин. Мазкур кўрсаткичлар кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани тўғри қарор бўлганлигини, унинг биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланганлигини тасдиқлайди.

Шу ўринда судлар томонидан одил судлов амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилувчи қўшимча чора-тадбирлар, процессуал қонунчиликдаги айрим мулоҳазали масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Маълумки, Фуқаролик процессуал кодексининг 27-моддасига мувофиқ, ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмайди. Ушбу қоида бузилган ҳолларда иш суд томонидан ғайриқонуний таркибда кўрилган, деб топилади ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган ёки нотўғри қўлланган, деб баҳоланиб, суд ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг бекор қилинишига асос бўлади (ФПКнинг 314-моддаси иккинчи қисми 1-банди). Бироқ, Фуқаролик процессуал кодексининг 27-моддаси мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгаришсиз қолган ёки бекор қилинганлигидан қатъи назар, ишни апелляция инстанцияси судида янгидан кўришда иштирок этишга ҳақли бўлади. Худди шунингдек, ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья кассация инстанцияси судининг ажрими ўзгаришсиз қолган ёки бекор қилинганлигидан қатъи назар, ишни кассация инстанцияси судида янгидан кўришда иштирок этишга ҳақли бўлади. Бу эса ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қоидаларга тўла мувофиқ бўлмай, иш юзасидан чиқариладиган суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги каби талабларнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Зеро, ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги суд ишларини юритишда судьянинг иш юзасидан бир маротаба қарор қабул қилиш ҳолатини таъминлашга хизмат қилади ва шу орқали фуқаролик ишини холис ва объектив ҳал этилишини кафолатлайди. Шундай экан, Фуқаролик процессуал кодексининг 27-моддасига ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция судида ёки кассация инстанцияси судида ёхуд суд назорати тартибида кўришда, агар унинг томонидан қабул қилинган қарор бекор қилинган бўлса, мазкур ишни апелляция инстанция судида янгидан кўришда иштирок этиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоиданинг киритилиши таклиф этилади. Шунингдек, мазкур қоида ишни кассация ва суд назорати тартибида кўрилишида ҳам татбиқ этилиши лозим. Бу каби қонунчилик тажрибаси айрим давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида (Беларусь Республикаси ФПКнинг 33-моддаси) ҳам кўзга ташланади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимиз кенг кўламда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали қонуний ҳимоя қилиш кўламини кенгайтириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда суд тизимининг қонунчилик асосларини ҳуқуқий демократик давлат талабларига мослаштиришни назарда тутади. Шундай экан, судлар томонидан процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг одил судловга нисбатан бўлган кафолатларини янада кучайтириш, суд ишларини тўғри, ўз вақтида ҳамда холисона кўриб чиқилишини таъминловчи процессуал чораларни такомиллаштириш мақсадида мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигини хорижий давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган қонунчилик тажрибасини таҳлил қилиш ва уни миллий қонунчиликка имплементация қилиш асосида янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори

Танлов

Баркамол авлод

юрт истиқболи

ЁШЛАР - мамлакат ва миллат келажаги. Юртнинг эртаси обод ва фаровон бўлиши кўп жиҳатдан улғайиб келаётган авлод камолотига боғлиқ. Аҳолининг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган бебаҳо бойлигимиз - ёш авлодни ҳар томонлама тўкис ва баркамол этиб тарбиялаш йўлида амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир.

БУНИНГ бир кўриниши сифатида жорий йилнинг 19-23 май кунлари Нукус шаҳридаги Бердақ номли мусиқали драма театрида бўлиб ўтган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловини келтириш мумкин.

"Камолот" ЁИҲ Дастури асосида Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг бу йилги мамлакат босқичида 14 та жамоанинг 150 нафар ўқувчи-ёшлари ўзларининг ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танлов бугунги кунга қадар 500 минг нафардан зиёд ёшларни ўзига жалб қилди. Биргина 2012-2013 йилларда мамлакатимиздаги 1500 дан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 30 мингдан ортиқ ўқувчи-ёшларини қамраб олди.

Танловнинг бу йилги финал босқичи иштирокчилари биринчи шартга мувофиқ ўзи таҳсил олаётган таълим муассасасида яратилган шароитлар, илмий ижод ва малакавий изланишлар учун мавжуд имкониятлар, сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб бериб, жамиятда ҳуқуқий маданияти юксалтиришга қаратилган таклифларни кўргазмали тарзда намойиш этишди.

Ҳуқуқий билимлар савиясини аниқлаш шартида ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила ва Меҳнат кодексларининг ёшларга оид бандлари, шунингдек, **"Терроризмга қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва бошқа кўплаб қонунлар борасида ўқиб ўрганган билимларини синовдан ўтказишди.

Шу ўринда бу йилги танловнинг ўзига хос тарзда ўтганлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Гап шундаки, вилоятлардан финал босқичига етиб келган бу йилги жамоалар ёшлар ўртасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилиниши ва тарқатилишининг олдини олиш, одам савдосига қарши курашиш, шунингдек, оила мавзуларида ўзлари тайёрлаб келган видеороликлар билан қатнашиб, юртимизда ёт иллатларга бирдамликда курашиш лозимлигини таъкидлашди.

Ҳар бир шарт бўйича ёшларнинг интилиш ва салоҳиятлари қатъий мезонлар асосида баҳоланган бу йилги танловнинг якунида биринчи ўринни Нукус ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг "Адолат қалқони" жамоаси қўлга киритди. Фахрли иккинчи ўрин Тошкент шаҳар Саъди Сирожиддинов номидаги академик лицейнинг "Адолат", учинчи ўрин эса Андижон вилоятининг Булоқбоши педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг "Фемида" жамоаларига насиб этди.

Танлов якунида турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

Бир сўз билан айтганда, кўрик-танлов жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий маданияти, миллий қонунчилигимиз бўйича билим ва тушунчалари ёрқин намоён бўлди.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Ўқув-машғулот

Ойдин тунлар

осойишта, тиниқ тонглар

ҲАР БИР инсоннинг туғилиб ўсган жойи унинг учун қадрли, ҳеч нарсага алишиб бўлмайдиган, ҳамма нарсадан ҳам қимматли даргоҳ — Ватан ҳисобланади.

ВАТАННИ СЕВИШ, уни соғиниб яшаш инсонга хос бўлган хусусиятдир. Бирор сабаб билан Ватанидан узоқда бўлган кимса энг оғир дамларида уни қўмсаб, кўз олдига келтириши ва туғилиб ўсган замини ҳақида бирор қайғули хабар эшитганда қалбан изтиробга тўлиши ҳам Ватанга бўлган муҳаббати белгисидир.

Адлия вазирлигида ташкил этилган ўқув-машғулотининг навбатдаги меҳмони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдураззоқ Обрўев "Ватанпарварлик — юрт фуқароларининг энг муқаддас бурчи" номли маърузасида ҳам Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, юрт корига яраштдек шарафли вазифалар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, ўзининг ҳарбийлик соҳасида эришган муваффақиятлари, ҳаётий тажрибалари ҳақида фикр юритди.

— Юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини сақлашда, Қуролли кучлар, ҳарбий хизматчилар, чегара қўриқчиларининг хизматлари беқиёсдир. Улар ўз ороми, тинчи, ҳузурҳаловати, роҳат-фароғати, керак бўлса жонидан кечиб, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қиладилар. Назаримда, Ватанни эгнига ҳарбий либос кийиб, чегараларда туриб ҳимоя қилиш баробарида, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро ҳам ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб, уни маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиши лозим. Бу ҳар биримизнинг шарафли бурчимизга айланмоғи керак, — дея таъкидлади нотиқ.

Ўқув-машғулот сўнггида маърузачи томонидан ўқилган шеърлар тингловчиларнинг кўнглини хушнуд этди.

ФҲДЁ органлари ходимлари беллашди

"ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ" ҳамда "Халқаро оила куни" ва "Оила" кодексининг 15 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан "Касбни улуғлаш — олий шарафдир" шиори остида кўрик-танлов ўтказилди.

ФҲДЁ органи ходимлари ўртасида бўлиб ўтган кўрик-танлов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги, ТДЮИ ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Танловда ФҲДЁ ходимлари ўз фаолиятини қай даражада бажараётгани, касбига меҳри ва масъулияти, маҳорати, билим ва иқтидори, салоҳияти, нутқ маданияти, тажриба ва малакаси, фидойи ва моҳир мутахассис-кадр эканлигини танлов шартлари асосида намойиш этиши белгиланганди. Шунингдек, ходимларнинг иш фаолиятидан келиб чиқиб, фуқаролик далолатномаси ёзишда, туғилиш ва ўлимни қайд қилиш, никоҳ далолатномаси тузиш, оилавий маросимларни ўтказиш тартиби, миллий ва замонавий урф-одатларга ёндашуви, фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, соғлом авлод тарбияси ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш каби вазифаларни қай даражада уддалашларига асосий эътибор қаратилди. Энг муҳими, кўрик-танловда ФҲДЁ ходимларининг маърифат, маънавият ва санъат борасидаги қобилиятлари ҳам синаларкан, бу жиҳатлар иш сифатини яхшилашига, қолаверса, ходимнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилишга сабаб бўлиши назарда тутилди.

Танлов иштирокчилари шартлар бўйича ФҲДЁ ходимлари қандай бўлишлари кераклигини намойиш қилишди.

Танлов ҳайъати томонидан Яккасарой тумани ФҲДЁ бўлими инспектори Гули Раҳмонова 1-ўрин, Юнусобод тумани ФҲДЁ бўлими инспектори Индра Пўлатова 2-ўрин ва Олмазор тумани ФҲДЁ бўлими инспектори Фотима Умурзоқова 3-ўринга муносиб, деб топилиб, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Қишлоқ хўжалиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлигида қишлоқ хўжалигида шартномалар тузиш, бажариш ҳамда бу борада юзага келаётган муаммоларнинг олдини олишга бағишланган республика тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг вакиллари билан ҳамкорликда анжуман ташкил этилди.

Шартнома интизоми

манфаатдорлик омили

АДЛИЯ вазирининг ўринбосари А.Усмонов таъкидлаганидек, мамлакатимизда шартномавий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Адлия вазирлиги томонидан шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида шартномаларни тузиш ва бажаришда хўжалик юритувчи субъектларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, 2003 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди.

Айнан ушбу Фармон билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматлар кўрсатиш учун шартномаларни фақат фермер хўжаликлари билан тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тўғридан-тўғри тузилиши тамойили белгилаб берилди.

Фармон ижросини таъминлаш ҳамда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун жавобгарликни ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрда **"Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

Сўзга чиққанлар мазкур қарор билан тасдиқланган Низомда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни бажаришда пайдо бўладиган муносабатлар тартибга солиниб, ушбу шартномаларни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби белгиланганлиги ҳамда бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, амалиётда учраётган муаммолар хусусида сўз юритдилар.

Анжуманда жойларда шартномалар бажарилиши мониторингини янада такомиллаштириш, тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг, шунингдек, фермер хўжаликларининг шартнома интизоми юзасидан масъулиятини ошириш, фермер хўжаликларининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини янада такомиллаштириш, ҳудудий фермерлар кенгашлари аъзолари ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида адлия органларида амалиёт ўташлари билан боғлиқ масалалар юзасидан тегиши таклифлар ишлаб чиқилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Мувозанат

Маҳалла билан ҳамкорлик

тинчлик-осойишталик гарови

МАМЛАКАТИМИЗ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий ҳаётида юз бераётган барча ижобий ўзгаришларда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади. Айниқса, юртимиз осойишталиги ва тинчлиги, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалга оширилаётган бир қатор ҳамкорлик ишлари диққатга сазовордир.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ташаббуси билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ҳар томонлама, шу жумладан, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жазодан озод этилган шахсларни янги ҳаётга ўргатиш ва ишга жойлаштириш ҳамда жамоат тартибини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликдаги фаолиятини янада такомиллаштиришни вазифа қилиб қўйди.

Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**нинг иккинчи йўналиши "Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш", деб номланиб, унда **"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"**ги Қонун, "Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш", деб номланган бешинчи йўналишида эса **"Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"**ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилди.

Бинобарин, бугунги кунда ички ишлар идоралари тизимида хизмат қилаётган, ихтисослигидан қатъи назар, барча соҳа ходимлари ўз ишини маҳалладан, профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик қилишдан бошлаши, унга таяниши лозим. Чунки аҳолининг асосий қисми маҳаллаларда яшайди. Маҳаллада ҳамма бир-бирини танийди. Ким қандай кайфиятда эканлигини яхши билади. Бегона ва нияти бузуқ кимсаларнинг бор-йўқлиги ҳам маҳаллага яхши аён.

Айтиш жоизки, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ички ишлар бўлими ва суд тизими ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ижобий самара бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қайси тизим ўз ишини пухта ва аниқ, масъулият билан бажарса, ҳеч қандай муаммога ўрин қолмайди.

Рустам КЕНЖАЕВ,
ТДЮИ Илмий тадқиқот маркази кичик илмий ходими

Суд экспертизаси

жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда муҳим роль ўйнамоқда

(Давоми. Боши биринчи бетда)

алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, хуфиёна, гувоҳсиз содир этилган қонунбузарликлар бўйича кўп вазиятларда суд экспертизаларининг хулосалари иш бўйича асосий далил вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, бир қатор муҳим далилий фактлар фақат экспертиза текширувлари орқалигина аниқланиши анжуман қатнашчилари томонидан таъкидланди.

— Фан ва техниканинг замонавий ютуқлари асосида ҳар томонлама асослантирилган эксперт хулосалари қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда, айбдор шахсларнинг жиноий қилмишларини тўғри малакалашда инкор этиб бўлмайдиган, ишончли далил сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, — деди анжуманда сўзга чиққан Адлия вазири ўринбосари Кўчқор Тоғаев. — Ҳуқуқшунослик соҳасидаги янги ютуқлар асосида берилаётган эксперт хулосалари, мерос билан боғлиқ ишларни кўриш, уй-жойларни баҳолаш ва бўлиш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш, суғурта гиёҳвандлик воситаларини ва одам Y-хромосомини текшириш, айниқса, номусга тажовузларни исботлаш, босқинчилик ва ўғирлик жиноятларини тергов қилиш, йўлтранспорт ҳодисалари бўйича ашёвий далилларни замонавий аналитик усуллар билан текшириш каби масалаларда иш бўйича муҳим ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлмоқда.

Маълумотларда кўрсатилишича, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига экспертизадан ўтказиш учун 2012 йилда келиб тушган жами материалларнинг 1927 таси ёки 7,9 фоизи тегишли тадқиқотлар ўтказилмасдан қайтарилган. Бунга тўпланган текшириш объектлари тегишли тартибда расмийлаштирилмаганлиги, экспертизага материаллар сифатсиз тайёрлаб юборилганлиги ёки экспертиза тайинлашда амалдаги процессуал қоидаларга риоя қилмаслик каби ҳолатлар сабаб бўлган. Бундай ҳолатлар, шубҳасиз ишларни сириштирув, тергов қилиш ва судда кўриш муддатлари бузилишига олиб келиши табиий. Қолаверса, экспертиза муассасалари фаолиятида ҳам муайян камчиликлар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

— Шунинг учун ҳар чорак якунида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ишнинг ҳақиқий ҳолатларига номувофиқ, деб топилган эксперт хулосалари хусусида маълумотлар олиниб, умумлаштирилиб, Кенгаш муҳокамасига тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун киритиб бориш амалиёти жорий этилди, — дейди Сирдарё вилояти ИИБ Тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Давлат Ҳаитов. — Кўрсатилган ҳолатларни бартараф этиш, суд экспертизасининг бугунги имкониятлари билан яқиндан таништириш ва мавжуд муаммоларни ечиш мақсадида сириштирув, тергов органи ходимлари ва судьялар иштирокида конференция, семинар ва давра суҳбатлар ўтказиш режалаштирилиб, жойларда бу каби тадбирлар ўтказилмоқда.

Анжуман якунида суд экспертизаси имкониятлари ва улардан тергов-тезкор ходимларининг самарали фойдаланишлари ва шу каби саволларга тадбир иштирокчилари батафсил жавоб олишди. Шундан сўнг Ўзбекистонда суд экспертизасини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулсумхон ШОДИЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Миллий қонунчилимиздаги халқаро стандартлар

умумбашарий манфаатларга хизмат қилади

(Давоми. Боши биринчи бетда)

вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган семинар-тренингнинг аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, тадбир иштирокчилари экстрадицияга оид халқаро стандартларни қўллаш, уларнинг хорижий давлатлар қонунчилигига имплементация қилинишига оид механизмлар билан аниқ мисоллар асосида танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, тадбирда қатнашган халқаро экспертлар эътироф этганидек, Ўзбекистон мустақиллиги эришгач, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси ҳамда дунёдаги тинчлик ва хавфсизликка қаратилган бир қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилди ва бу борада миллий қонунчилигимизда мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Тадбир давомида БМТнинг экстрадицияга оид ҳужжатларига, яъни БМТнинг 1988 йилда қабул қилинган "Наркотик моддалар ва психиатрик моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш тўғрисида"ги, 2000 йилда қабул қилинган "Трансмиллий ташкилий жиноятчиликка қарши", 2003 йилда қабул қилинган "Коррупцияга қарши кураш" конвенциялари, терроризмга қарши ҳуқуқий воситалари ва бошқа тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиб, халқаро экспертлар томонидан мавзуга оид энг долзарб муаммолар ёритиб берилди.

Ўқув-семинар иштирокчиларида Европа Иттифоқининг экстрадиция соҳасидаги ҳуқуқий инструментлари катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, алоҳида давлатлар, хусусан, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Франция, Украина, қолаверса, Ўзбекистоннинг экстрадиция соҳасидаги қонунчилиги ва экстрадиция бўйича талабларни кўриб чиқиш амалиёти тўғрисида экспертлар томонидан берилган маълумот ҳам ўзининг амалий қийматга эгалигини кўрсатди.

Тадбир якунида ўқув-семинарнинг натижалари муҳокама қилинди ҳамда марказ тингловчиларининг халқаро ҳуқуқий меъёрларга оид билимлари экспертлар томонидан ижобий баҳоланиб, тегишли тавсиялар берилди.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Хорижий тажриба

Адлия: Чет давлатлар суд-ҳуқуқ соҳасида тутган ўрни

ДАВЛАТ бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ушбу органлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш, бу орқали эса бошқарув тизимини демократлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга эришилмоқда.

ХУСУСАН, Президентимиз томонидан таклиф этилган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, халқаро тажрибани чуқур тадқиқ этган ҳолда ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликка қатъий риоя қилинишида адлия органларининг роли ва ўрнини ошириш бўйича аниқ чоралар кўрилди.

Мазкур йўналишдаги ишларни янада юксалтириш, ривожланган давлатлар ҳуқуқий тизимини мунтазам ўрганиш ва шу аснода миллий қонунчиликни тадрижий мустаҳкамлаб бориш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий мамлакатларнинг адлия вазирликлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни кўриб чиқиш уларнинг ҳар доим адолат учун масъул бўлган ҳукумат идораси ҳисобланишини кўрсатди.

Адлия вазирликларига айрим ҳолларда бош атторней (ҳукуматнинг бош юрисконсульти, судда давлат вакили) номини олган адлия вазирлари бошчилик қилади.

Адлия вазирликларининг вазифалари одатда суд тизимини ташкил этишда, давлат айбловини қўллашда, мамлакатда жамоат тартиби ва ҳуқуқий тизимни сақлашда ифодаланади. Айрим ҳолатларда адлия вазирликларига юқорида келтирилган соҳаларга оид қўшимча: сайловларни кузатиш, полицияни бошқариш, қонунчилик муҳим ислоҳотларини амалга ошириш каби вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

Улар орасида қизиқарли мисоллардан бири Германиянинг Федерал Адлия вазирлиги ҳисобланади. Қонун ижодкорлиги соҳасида вазирлик фуқаролик, савдо ва хўжалик, жиноят ва процессуал ҳуқуқ соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Бундан ташқари, унинг ваколатига бошқа идоралар-нинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда мазкур лойиҳаларнинг Конституция ва ҳуқуқий тартибга бутунлай мослигини ҳисобга олган ҳолда қатнашиш, шунингдек, уларни ягона тарзда расмийлаштириш киради.

Федерал Адлия вазирлигининг маъмурий вазифаларига унинг ваколат соҳасига тааллуқли федерал судлар ва федерал идораларнинг ташкилий, бюджет, инфратузилмавий, кадр масалалари шарт-шароитларини яратиш киради. Шу жумладан, вазирлик федерал миқёсда эълон қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари расмий нашрининг ноширн ҳам ҳисобланади.

Яна мисол тариқасида, Словения Адлия вазирлигининг вазифа ва функцияларини келтириш мумкин. Мазкур идора суд-ҳуқуқ қонунчилигини, суд иш юритуви ва судьяларни тайинлашнинг маъмуриятчилигини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, пенитенциар (жазолаш билан боғлиқ) тизимни бошқариш ва халқаро ҳуқуқий ҳамкорликни амалга ошириш бўйича вазифаларни бажаради.

Вазирлик тизимида судлар учун ташкилий, статистик ва кадр ишларини бажарувчи Суд иш юритуви маъмуриятчилиги бўйича директорат мавжуд.

Словения ва Германия адлия вазирликлари фаолиятини ташкил этиш мисоллари мазкур идоралар ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида, ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида муҳим вазифаларни бажараётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ҳар бир давлатда адлия вазирликларининг фаолияти жамиятда қонун ва ҳуқуқий тартибнинг устунлигини таъминлашга қаратилган.

Санжар АТАЖАНОВ,
Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

Қонун доирасида

8 нафар шахс

интизомий жазога тортилди

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасининг юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.



БЎЛИМ томонидан 228 та юридик шахс бирлашма ҳамда 50 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхона давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, уларга қонунда белгиланган асосларда тегишли гувоҳномалар берилган.

Жорий йилда бўлим томонидан туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияларида қонунийликка риоя қилинишн юзасидан ўрганишлар ўтказилди. Текширишда 534 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, ушбу ҳолатларни бартараф этиш бўйича туман, шаҳар ҳокимликларига 6 та тақдимнома ҳамда 6 та огоҳнома киритилди ва ушбу тақдимномалар натижасида кўра, 8 нафар шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари кўрилди. Келгусида бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида доимий мониторинг ҳамда ҳисобот таҳлил ишлари йўлга қўйилди.

Шунингдек, бўлим томонидан Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги **"Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича вилоятнинг барча туман ва шаҳар ҳокимликларида масъул идоралар раҳбарлари билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Санжар МИРЗАБОЕВ,
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Хавотир

Қуёшни тўсишга уринаётган

"кора булутлар"

ҲАР БИР ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони мавжуд бўлгани каби мафкуравий жараёнлар глобаллашуви ҳам бундан мустасно эмас.

ГЛОБАЛЛАШУВ шароитида маънавий-мафкуравий тахдидлар доираси кенг бўлиб, шулардан бири — "оммавий маданият"дир.

ХХ асрда радио, кино, телевидение, видео, компьютер тизимининг пайдо бўлиши натижасида "оммавий маданият" ўз ривожланишининг янги босқичига қадам қўйди.

Хозирги кунда у маданий глобаллашувнинг, маданий экспансиянинг, қолаверса, мафкуравий тазйиқнинг энг хавфли кўринишларидан бирига айланди. Олимлар "оммавий маданият" кенг тарқалгани сайин инсон ва жамият ўзининг маънавий-ахлоқий таянчларидан маҳрум бўлади. Қарабсизки, кўп минг йиллик тарих саробга айланиши, жамият инқирозга юз тутиши ҳеч гап эмас, дея кўп бора таъкидламоқда. Хусусан, Юртбошимиз бу борада қуйидаги фикрларни билдирган: **"Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият, деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканлигини англаб олмоқда".**

Албатта, "оммавий маданият"ни кенг ёйишдан кўзланган асосий мақсад — одамларни, аввалambor, ёшларни миллий заминдан, асрлар мобайнида шаклланган қадриятлар тизимидан ажратиш ва шу орқали маънавий-ахлоқий оғиз кишиларни шакллантириш ҳамда уларни ягона марказдан бошқаришга эришишдан иборатдир.

Ҳаёт сўроқларининг жадал ривожланиши шароитида ўзларининг ғаразли ниятларини амалга оширишга интилаётган, жирканч муддаоларига "оммавий маданият"ни тарғиб қилиш орқали эришишга интилаётган қора кучлар мавжудки, уларнинг ижтимоий онги шаклланиб улгурмаган, ҳаётий тажрибалари етарли бўлмаган ёш авлодга таъсир этишнинг турли воситалари, йўл-йўриқларидан фойдаланишга ҳаракат қилаётгани, бугун ҳеч биримизга сир эмас.

Назаримда, мазкур таҳдидларга қарши курашиш учун, лоқайдлик ва бепарволик иллатларидан халос бўлиш, атрофимизда содир бўлаётган ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш, маънавий-мафкуравий тарбия жараёнида шахсий ташаббускорликни ошириш, ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақдири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлида faol бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориш каби ҳолатларга эътибор қаратиши лозим.

Хуршид УМАРОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар
Ички ишлар бош бошқармаси
Тергов бошқармаси
тизимларида бўш бўлган
терговчи лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда олий-ҳуқуқшунос дипломига эга бўлган, муддатли ёки сафарбарлик чақирув резервида ҳарбий хизмат ўтаган, шунингдек, олий ўқув юртларининг ҳарбий кафедраси курсини тамомлаб офицерлар захирасига киритилган, бўйи 170 см. дан кам бўлмаган, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота туманларида доимий истиқомат қилувчи, 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 281-92-52, 370-56-44.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 30 апрелдаги 83-ум-сонли буйруғига асосан вилоятдаги "Адолат манзили" адвокатлик фирмаси адвокати Джўраев Усмон Бакаевичнинг тўхтатиб турилган адвокатлик мақоми унинг "Buxoro Adolati Plyus" адвокатлик фирмаси шериклари таркибига кириши муносабати билан адлия бошқармасининг 2013 йил 10 майдаги 101-ум-сонли буйруғига асосан тикланди.

* * *

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 30 апрелдаги 83-ум-сонли буйруғига асосан вилоятдаги "Адолат манзили" адвокатлик фирмаси адвокатлари Рахимов Комил Райхонович ва Раджабов Икром Нематовичларнинг тўхтатиб турилган адвокатлик мақоми уларнинг янги "ADOLAT IZLAB" адвокатлик фирмасини таъсис этишлари муносабати билан адлия бошқармасининг 2013 йил 10 майдаги 99-ум-сонли буйруғига асосан тикланди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 10 майдаги 101-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Набиев Камол Хамидович Самарқанд шаҳридаги "Боғишамол ҳақиқати" адвокатлик фирмасига ишга кирганлиги муносабати билан унинг адвокатлик мақоми тикланди ва адвокатлик гувоҳномаси берилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 6 майдаги 98-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "Qomus" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Тураев Мамур Беркинович ҳамда "Diyonat Nur" адвокатлик фирмасининг адвокатлари Набиев Камол Ҳамидович, Тиляева Дилрабо Азимовна ва Ильмурадов Шухрат Рустамовичлар билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13[1]-моддасига асосан адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган даврга адвокатлик мақоми тўхтатилди.

***

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 6 майдаги 99-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "Ҳуқуқ тарафдори" адвокатлик фирмаси адвокати Халимов Олимжон Каримовичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 12 июнда берилган SA 000272 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 16 майдаги 109-ум-сонли буйруғига асосан Яшузакова Шоиста Бахритдиновнага 2009 йил 21 майда берилган ВН 000027-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 7 майдаги 95-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Жўраев Усмон Султоновичнинг "Ishonchli himoya" адвокатлик фирмаси шериклари таркибидан чиқиши муносабати билан унинг бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Жиззах вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 21 майдаги 51-ум-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳридаги "Кафолат" адвокатлик фирмасининг адвокати Нуруллаев Сухробжон Тошпулатовичга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 3 июнда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи GZ №000022 сонли лицензиянинг амал қилиши 1 ой муддатга ва Жиззах шаҳридаги "Юрист" адвокатлик фирмасининг адвокати Уринбоев Тоиржон Тожибоевичга адлия бошқармаси томонидан 2013 йил 21 январда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи GZ №000119 сонли лицензиянинг амал қилиши 3 ой муддатга тўхтатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 18 майдаги 105-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд қонун устуворлиги" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Сиддиков Абдухаким Сиддиковичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнда берилган SA №000014 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 18 майдаги 106-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Тиляева Дилрабо Азимовна Самарқанд шаҳридаги "Qomus" адвокатлар ҳайъатига ишга кирганлиги муносабати билан унинг адвокатлик мақоми тикланди ва 564-сонли адвокатлик гувоҳномаси берилди.

Фахр

Талабалар ютуқлари

институт салоҳиятини оширади

ЎЗБЕКИСТОННИНГ эртаси ёшлари билан ёруғ. Илмга ташна, спортга иштиёқманд ёшлар Ватанимизнинг гурури, фахр-ифтихори бўлиш учун бор имкониятларини ишга солиб, юксак чўққиларни забт этаётганига тобора кўпроқ амин бўлмоқдамиз. Шу сингари орзу-ҳавасли, баркамол авлод вакиллари қаторида ТДЮИ талабалари Абдуллоҳ Ғофуров, Миршод Қурбонов ва Сарвар Комилжоновларни эътироф этиш ўринлидир.

2-БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ Абдуллоҳ Ғофуров шу йилнинг 13-14 май кунлари Тошкент Фармацевтика институтида инглиз тили фанидан ўтказилган олимпиаданинг республика босқичида институтимиз шарафини ҳимоя қилиб, фахрли 3-ўринни эгаллади.

3-босқич талабаси Миршод Қурбонов эса 12-15 май кунлари ҳуқуқшунослик фанидан республика ИИВ Академиясида бўлиб ўтган республика олимпиадасида 2-ўрин соҳиби бўлди.

Институтимиз ёшлари нафақат билими ва иқтидори, балки спорт соҳасидаги ютуқлари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Чунончи, 2-курс талабаси Сарвар Комилжонов шу йилнинг 11-12 май кунлари Тошкентда спортнинг таэквон-до йўналиши бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг ўрта вазн тоифасида мутлақ чемпион бўлгани олийгоҳимиз ҳаётида эсда қоларли ҳодиса бўлди. Сарварнинг ғалабалари фақат шундангина иборат эмас. У 2007 йили таэквон-до йўналиши бўйича Осиё чемпиони, 2011-2012 йилларда шарқона курашнинг махсус техника йўналишида Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритганлиги таҳсинга сазовор. Бугунги кунда у таэквон-до WTF йўналиши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзосидир.

ТДЮИ талабаларининг бу каби ютуқлари институт салоҳиятининг юқорилигидан, билимдон, ҳаракатчан ёшларнинг ўз маҳоратларини тўла намоён этишлари учун барча шароитлар, керак бўлса, имтиёзлар яратилганлигидан далолат беради, бошқаларда ҳам ўз кучига, ўз қобилиятига ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди.

Зиёда ОТАХЎЖАЕВА, ТДЮИ талабаси

Суратда: ғолиб талабалар.
Дилмуро РУСТАМОВ олган сурат.

АВВАЛО, шуни айтиш лозимки, тамаки ўсимлигининг пайдо бўлиши-ю унинг дунё бўйлаб тарқалиши, тамаки чекиш тарихи-ю бу одатнинг зарари ҳақида жуда кўплаб мақолалар битилган, радиоэшиттиришлар тайёрланган, телеэфирларда кўрсатувлар намойиш қилинган. Уларни санаб чиқиш қийин бўлганидек, бу мақолалардан хулосалар чиқарган ва чекишни ташлаганларни санаб саноғига етиш ҳам қийин.

31 май – Халқаро кашандаликка қарши кураш куни

Бир тортишнинг баҳоси

жуда қимматга тушади

АММО чекиш ҳануз тўхтагани йўқ. Дунё аҳолиси сони кўпайгани сари чекувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Бироқ кўпгина мамлакатларда жамоат жойларида чекишни тақиқлаш бўйича қонунлар қабул қилингани ўз ижобий натижаларини бера бошлаганидан қувонишимиз керак. Европа кардиологлари ассоциацияси маълумотларига кўра, чекиш тақиқланган мамлакатларда бир йилдан кейин инфарктга учраш ҳолатлари сезиларли тарзда камайган. Масалан, Францияда инфаркт боис шифохонага ётқизилганлар сони 15 фоизга, Италияда 12 фоизга, Шотландияда 17 фоизга камайган.

Бизда ҳам қонуний чекловлар жорий қилинганига анча бўлди. Хусусан, 2011 йил 5 октябрда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш борасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг **"Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"**ги Қонуни қабул қилиниши мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар кўламини яна бир поғона юқорига кўтарди. Бироқ мақоламиз чекувчилар сони бизда қанча-ю дунёда қанча, кунига ёки дақиқасига қанча одам айнан чекиш оқибатида юзага келадиган касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юммоқда-ю қанчаси оғир хасталикка чалингани ҳақида эмас, балки сигарет тутунининг организмга кўрсатадиган салбий таъсирини олимлар таҳлили асосида талқин этишни мақсад қилганмиз.

Гапнинг индаллоси шуки, ўқиш-ўрганиш жараёнида чиқарган хулосаларга асосланиб айта оламизки, ҳар қандай сигаретни бир тортишнинг ўзи томирларга кучли зарба сифатида таъсир кўрсатади. Зотан, "Чекиш соғлик учун зарарли", деган ҳар бир қутидаги ёзув бежиз битилмаган. Бу илмий фантастика эмас, балки ҳаётий омилларга асосланган, илмий тасдиғини топган фактдир.

Шуни унутмангки, чекишнинг зарари йиллар давомида куч олиб бораверади ва охир-оқибат ўз кучини намоён қилади. Масалан, саратон ёки инфаркт ёйинки инсультни орттириб олиш учун 25-30 йил давомида тутатиш "зарур". "Яхши" бронхитга чалиниш учун эса 15-20 йиллик "стаж" етарли.

Алоҳида таъкид шуки, кўп йиллик жараёнда зарар миқдорининг йиғилиб бориши чекувчига сезилмайди. Ва шу боис ҳам чекиш ёшликда ҳавасдан бошланади. Истаган пайтда чекишни ташлаб юборишга ишонади. Аммо 1-2 йиллик "стаж"дан кейин бунинг уддасидан чиқиш жуда қийин. Буни чекувчилар жуда яхши билади.

Бир тортишнинг ўзи организмга қанчалар зарба бериши ҳақида ёшлар аниқ тасаввурга эга бўлсалар, балки чекишни бошлашмаган бўлармидилар.

Келинг, яхшиси, чекишнинг, аниқроғи, бир тортишнинг зарари қанчалар эканлиги ҳақида Американинг Миннесота университети олимлари томонидан эълон қилинган "Чекилган сигаретларнинг аста-секинлик билан таъсир қилиши" номли илмий мақоласидан мисол келтирайлик. Унда баён этилишича, олимлар тамакининг асосий концерогени бўлмиш яримциклли ҳидли углеводородлар организмда нимага айланиши борасидаги фикрларга эътиборни қаратганлар.

Изотоплар ёрдамидаги кузатувлар шуни кўрсатдики, организмга кирган тутун 15-30 дақиқадан сўнг алоҳида фаол унсурга айланади ва у ҳужайранинг "генетик аппарати"ни зарарлаш орқали унда ўзгаришларни, яъни мутацияни келтириб чиқаради. Шуниси қўрқинчлики, бу жараён биринчи тортишнинг ўзидаёқ бошланади ва ҳар чекканда қайталанади.

Чекишнинг аста-секинлик билан таъсир этувчи зарари нафақат ўпка саратони ривожланишига туртки бўлади, балки бутун организмга ўз салбий таъсирини кўрсатади. Бу таъсирлар, айниқса, юрак ва қон-томир тизимида юз берадиган ўзгаришларда яққолроқ намоён бўлади. Шифокорлар тиббий муолажа сифатида беморларга тавсия этадиган ингаляция "процедура"сини хаёлингизга келтиринг. Оғиздан тортилган тиббий мақсаддаги муолажа воситаси кислород билан тўғри ўпкага киради ва саноқли кунларда саломатликни тиклашга ёрдам беради. Энди бу таъсирни сигарет тутунига қиёс қилиб кўринг. Саноқли кунларда бронх йўллари ва ўпкани ўзига "бўйсундириб" олишини тасаввур қилинг.

Олимлар таъкидлашича, тутундаги оксидантлар, деб аталувчи моддалар жуда тезлик билан бутун организмда оксидланиш жараёнини келтириб чиқаради. Негаки, оксидантлар қонга тез сўрилади ва қон томирлар орқали танага тез тарқалади. Йўлида учраганки органларни — ҳужайралар мембранаси борми, уларнинг "генетик аппарати" борми, артериянинг ички қобиғи борми барчабарчасини оксидлайди. Натижада, ҳужайралар иш фаолияти бузилади, мутацияга юз тутиши тезлашади ва қон-томирларни зарарлайди. Бу тажовузларни "кесиш" учун эса организмга антиоксидантлар — Е, А, С сингари витаминлар зарур бўлади. Аммо чекувчилар организми чекмайдиганларга қараганда 2-3 баравар кўп витаминларга эҳтиёж сезади.

Қон томирлар ички деворларининг оксидланиши атеросклероз (юрак қон томирлари деворларининг қалинлашуви ва зичлашувидан ҳосил бўладиган касаллик) ривожланишини тезлатади ва томирлар ички қобиғида тошмалар пайдо бўлиши учун яхши шароит яратади. Томир ичида битта тошманинг ҳосил бўлиши қон айланишини секинлата олади, яъни равон айланишига ҳалақит беради. Бу эса тромбни келтириб чиқаради. Энди бундай тошмалардан саноқсиз пайдо бўлишини тасаввур қилинг. Юрак қон томирларидаги бундай тромблардан кейин инфаркт, ёки мия томирларидаги бундай кўринишлардан кейин инсульт юзага келишини тушунтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Яна шуни қўшимча қилиш жоизки, ҳар бир чекилган сигарет тромблар ҳосил бўлишига пойдевор вазифасини ўташдан ташқари тромб "қурилиши"да ҳам фаол қатнашади: тутунда қон қуюқлашувига асос бўладиган тромбин ферментлари сонини оширувчи моддалар мавжуд.

Бу ҳаммаси эмас. Яна бир аянчли зарари ҳақида гапирмасак бўлмайди. Организмни мукаммал яратилган жуда катта завод, деб фараз қилсак, сигарет тутуни "завод"да азот оксиди ишлаб чиқарилишига тўсқинлик қилади.

Маълумки, бу модда томирларни кенгайтиради ва унинг деворларини ички томондан ҳимояловчи вазифасини бажаради. Сигарет тутуни эса аксинча томирларни торайтиради ва натижада хужайраларга қон етказиб беришни маромлаш учун томир уриши тезлашади. Бу эса яна юқорида айтилганидек инфаркт ёки инсульт юз беришини тезлатишга хизмат қилади.

Энди бу фикрларнинг маъзини чақинг. Чекишдан олдин яна бир ўйлаб кўринг. Ич-ичингиздан чекишни хоҳлаётган бўлсангиз-да, бир он тўхтанг. Ички органлар — ўпка, буйрак, жигар, юрак, қон томирлари сингари "завод механизм"ларида носозликлар юз берса нима бўлишини хаёлингизга келтиринг. Ва қўлингиздаги сигаретни ташласангиз ўз организмингизга жабр қилмаган бўласиз.

Инсон организми эса курашувчан. Чекиш бўйича анча йиллик "стаж" оқибатида маълум маънода зарарланган бўлса-да, у ўз-ўзини, саломатлигини тиклаб олиш қудратига эга. Фақат бунинг учун сиз томондан бошқариладиган ирода мустаҳкамлиги керак.

Алимқул СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Савол-жавоб

Риэлторлик ҳам

тадбиркорликдир

— РИЭЛТОРЛИК фаолияти тўғрисида кўп эшитганман. Бу қандай фаолият ва қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?

У.КАМОЛОВ,
Тошкент вилояти

— РИЭЛТОРЛИК фаолияти юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир.

Риэлторлик фаолияти риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Риэлторлик фаолияти **"Риэлторлик фаолияти тўғрисида"**ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги қарори билан тасдиқланган **"Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"**ги низом ва ушбу фаолиятга оид бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

— РИЭЛТОРЛИК хизматларига нималар киради? Мен жисмоний шахс сифатида риэлторлик фаолияти билан шуғулланишим мумкинми?

Р.СУЛТОНОВ,
Самарқанд вилояти

— "РИЭЛТОРЛИК фаолияти тўғрисида"ги Қонунга кўра, риэлторлик фаолияти қуйидаги турлардаги риэлторлик хизматларини кўрсатиш орқали амалга оширилади:

кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик;

кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш;

кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш;

кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари.

Риэлторлик фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Бунда жисмоний шахсга — риэлторга лицензия фақат кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими Жасур АСАДОВ жавоб берди.

Реклама ва эълонлар

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада
"ФАРОВОН ТУРМУШ".
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютада
"ИШОНЧЛИ" (АҚШ долларида).
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун:
"Асака" банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Андижон вилояти
Асака туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Улуғнор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилояти
Ёзёвон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти
Денов туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилояти
Зангиота туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент шаҳри
Шайхонтоҳур туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2013 йил 27 июнь)
Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Фарғона шаҳридаги "Ҳимоядасиз" адвокатлар ҳайъати адвокати бўлган Курбонов Аҳмадалининг (лицензия 03.06.2009 йил FE №000010, адвокатлик гувоҳномаси №68, 25.06.2009 й.) адвокат мақоми Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13¹-моддаси, 1-қисмининг 6-бандига ҳамда Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 17 майдаги 142-ум-сонли буйруғига асосан адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилиадиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга тўхтатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 6 майдаги 25-А-ум-сонли буйруғига асосан "KALKON-OSIYO" адвокатлик бюроси адвокати Давтян Мардин Мишаевичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 3 июнда TS 000181-сонли адвокатлик мақомини олиш ҳуқуқи билан берилган лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 10 майдаги 97-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Хамдамов Халил Шаробовичнинг "Адвокат" адвокатлик фирмаси шериклари таркибидан чиқиши муносабати билан унинг бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Жиззах вилояти адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бўлими етакчи маслаҳатчиси Сарвар Раҳмоновга укаси **Маъруф РАҲМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти адлия бошқармаси жамоаси Жиззах шаҳридаги 4-сон давлат нотариал идораси нотариуси Турдимурод Қосимовга отаси **Абдурауп ҚОСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Қўчқор Тоғаев, Турсунов Тўлқин Мирзаевич, Очилов Аляжон Мухлисович, Муҳаммаджонов Омонулла Зокирович, Султонов Алимқул Тошбекович, Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма ј-7226. Тиражи — 24245.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5